

ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2014 йил 28-29 ноябрь



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШИ ИНСТИТУТИ**

**ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР
СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ДОЛЗАРҒ МУАММОЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

2014 йил 28-29 ноябрь

Самарқанд – 2014

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА – ТАДБИРЛАРИ (Наманган вилояти мисолида)

К.М. Боймирзаев, И. Р. Солиев
Наманган давлат университети

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган қишлоқ хўжалик соҳаларидаги бир қатор ислохотлар ва чора-тадбирлар ҳам суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишга, тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга қаратиб келинмоқда. Шу билан бирга мавжуд суғориш иншоотларидан унумли фойдаланиш, ўзлаштирилаётган ерларни ландшафт хусусиятларига эътибор бериш, алмашлаб экиш тизимини ривожлантириш, ернинг имкониятларини тўғри ҳисобга олиш, мелиорация ҳамда агротехникани илмий асосланган ҳолда қўллаш, келажакда суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш лозимлиги таъкидлаб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги 2008-2012 йиллар даврида “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхши-лаш давлат Дастури тўғрисида”ги 817 –сонли қарорига биноан ҳар йили мамлакатнинг сув хўжалигини реконструкция қилиш, коллектор-дренаж тизимларини тиклаш ва янги объектларни барпо этишга юзлаб миллиард сўм ва хорижий валюта маблағлари ажратилиб, катта ҳажмдаги амалий ишлар қилинмоқда. Бу ўз навбатида, 800 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонда кучли ва ўрта шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда сизот сувларни пасайтириш, шу тариқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва сув тежамкорлигига эришиш имконидир.

Шуни таъкидлаш керакки 1953 йилда Ўзбекистонда суғорилиб дехқончилик қилинадиган ерларни умумий майдони 2844,1 минг гектарни ташқил этарди. Бунинг 626,7 минг гектари Фарғона водийсининг Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларига тўғри келар эди. Ўтган давр мобайнида Марказий Фарғона, Мирзачўл, Қарши ва Сурхон-Шеробод чўллари, Амударё этакларидаги ерларни ўзлаштириш ва суғориш натижасида республикаимиздаги

суғориладиган ерлар 1978 йил бошида 3165 минг гектарга етди, ёки 320,9 минг гектарга кўпайди. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда суғорилиб дехқончилик қилинадиган ерларнинг умумий майдони 4,3 млн. гектарни ташкил этиб, 1953 йилга нисбатан 1155,9 минг гектарга ортди.

Республиканинг сув хўжалиги 4,3 млн.га суғориладиган ерларга хизмат қилувчи 180 минг км. каналлар тармоғи, 140 мингта коллектор-дренаж тармоғи, 160 минг қурилмалар, жумладан, 800 йирик, 8,2 млрд. квт. қувватга эга 1588 насос станциялари, 19,8 млрд. куб метр сифимиға эга 55 та сув омбори, 4100 кудуқлардан иборат гидромелиоратив тизимларнинг мураккаб мажмуасидир.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан 2011 йилнинг ўзида Давлат дастури доирасида республика бўйича 13448,3 км. узунликда очиқ дренаж ва 754,4 км. узунликда дренаж тармоқларида рекультивация ишлари амалга оширилди.

Наманган вилояти арид ҳудудларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай ерларни ўзлаштирилиши натижасида катта майдонларда тупроқ ювилиши, эрозия ҳодисаларининг турли кўринишлари, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида шўртоб ва шўрхокланиш каби жараёнлар таркиб топган. Бунинг оқибатида кўплаб бузилган ландшафтлар вужудга келди.

Табиат ландшафтларига нотўғри муносабатда бўлиш, қишлоқ хўжалик экинларини табиий шароит билан ҳисоблашмай жойлаштириш суғориладиган воҳа ландшафтларига ҳам салбий таъсирни кучайтирмоқда, шунингдек қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини пасайиб кетишига олиб келмоқда. Ёйилмаларининг инсон таъсирида ўзгариши, биринчи навбатда агроирригация ётқизикларининг ҳосил бўлиши ва қалинлашиб бориши, суғориш иншоотларининг барпо этилиши, қишлоқлар ва шаҳарларнинг пайдо бўлиши, йўллар қурилиши ва ҳоказолар оқибатида табиий ландшафт комплекслари ўрнига маданий геокомплексларнинг барпо этилиши ландшафт комплексларини ва улар тузилишининг ўзгаришига олиб келади. Бундай ҳолатни олдини олиш учун қишлоқ хўжалик экинларини ландшафт типларига мослаштирган ҳолда жойлаштириш кутилган самара беради. Бинобарин, арид ҳудудларни

ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш борасида, айниқса ер ва сувдан фойдаланишда илм – фан, техниканинг энг сўнгги ютуқларига ҳамда инсон хўжалик фаолиятининг ижобий таъсирига таяниш лозим.

“Наманган вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастурининг бажарилиши ҳолати тўғрисида” ги қарори ижроси бўйича вилоятда 24527 гектар майдонда, жумладан, Мингбулоқ туманида 15896 гектар, Поп туманида 8298 гектар, Тўрақўрғон туманида 333 гектар шўрланган майдонларда 1-2-3 маротаба шўр ювиш ишлари бажарилган. Давлат дастурида белгиланган лойиҳаларда реконструкция, янги қурилиш ва таъмирлаш – тиклаш ишлари бажарилган объектларда туман ҳокимликлари, сув истеъмолчилари, фермер хўжаликлари ва туман гидромелиорация бўлимлари билан биргаликда мунтазам мониторинг ишларини олиб бориш йўлга қўйилган.

Наманган вилояти арид ҳудудлари, айниқса чўллар табиатига антропоген таъсирнинг кучлилиги маданий ландшафтларни вужудга келиши билан бирга ландшафт-экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бу нохуш экологик муаммолар чўлларнинг микроклими, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига хос бўлиб, бу табиий компонентларнинг ўзаро таъсири барча ландшафтларга, табиий компонентларга ҳам таъсири демакдир. Антропоген омиллар таъсири натижасида табиатнинг бир ёки икки компонентини ўзгартириш билан барча компонентларга ҳам таъсир этиб, унинг тадрижий ҳолати, вазифаси ва мувозанатини бузилишига сабаб бўлади. Натижада чўл ландшафтларида салбий экологик жараёнлар вужудга келиши мумкин, мавжуд ўрмонларни кесиш тупроқ эрозиясини кучайишига, микроклимни ўзгаришига, чучук сув ресурсларини камайиб, табиий ўсимлик ва ҳайвон турларини йўқолиб боришига олиб келади.

Ўзлаштирилган арид ҳудудларида деҳқончилик маданиятига амал қилмай иш олиб борилиши натижасида ўрмон ва боғларнинг мол боқиладиган ўтлоқларнинг йўқолиб бориши, кенг кўламдаги шудгорлаш майдонларининг вужудга келиши тупроқ эрозиясига (емирилишига) сабаб бўлади. Шунинг учун ўтмишда эрозиянинг турли кўринишларининг олдини олиш мақсадида,

чўлларнинг ўзлаштирилган ҳудудларига турли дарахт ва ўсимликларни ўтқозиш ишлари йўлга қўйилган.

Кейинги йилларда Наманган вилояти иқлимий хусусиятлари ва сув ресурсларидаги салбий ўзгаришлар, мавжуд ўрмон массивларини, дарахтзорларни кесиб юбориш, хусусан, XX асрнинг 90-йилларида минтақада Қирғизистон ҳудудидаги дарё ва сойларнинг хавзаларидаги ўрмонзорларнинг ўтин ва қурилиш мақсадида кесилиши билан боғлиқдир.

Ер ости сизот сувлари сатҳини ва сизот сувларининг шўрланиш даражасини таҳлил қилиш мақсадида ҳар йили апрел, июл, октябр ойларининг биринчи куни ҳолатига мавжуд назорат қудуқларидан сув сатҳи ўлчанади ва сув намуналари олиниб, ер ости сизот сувлари сатҳи кўтарилган ерлардан тупрок намуналари олиниб, шўрланганлик даражаси аниқланади. Мелиоратив тадбирлар бажарилган объектларнинг техник ҳолатини меъёрида сақлаш, қирғоқларнинг емирилишини ҳамда эрозиядан сақлаш мақсадида суғориладиган майдонларда суғориш тизимини тўғри режалаштириш, суғоришни ерларнинг гидромодулига мослаб амалга оширишни ташқил қилиш, чиқинди сувларини коллекторга тўғридан–тўғри дуч келган жойдан ташламасдан, махсус қувурлар орқали ташлашни амалга ошириш, коллекторларга сунъий тўсиқлар қурмаслик, сув ўтиш қувурларини мунтазам равишда назоратга олиб, тозалаб туриш, қишлоқ хўжалик экинларини кўллатиб суғормаслик, экин турига қараб суғориш меъёрларини аниқлаш ва суғоришни ташқил қилиш тўғрисидаги сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда фермер хўжаликларига тавсиялар берилган.

2011 йилда Наманган вилоятида Давлат дастурига мувофиқ 20 та лойиҳа бўйича умумий узунлиги 901,77 км. бўлган коллектор–дренаж тармоқлари, 60 та мелиоратив қудуқлар ҳамда Мингбулоқ туманидаги насос станциясида таъмирлаш – тиклаш ишлари бажарилди. Натижада 5638 гектар суғориладиган майдонларда мелиоратив ҳолат кескин яхшиланди.

Наманган вилояти арид ҳудудлари, айниқса чўллар водийда кенг кўламга эга бўлган ландшафт типларидан ҳисобланади. Самарқанд Давлат университети профессори А.Абдулқосимов (2005) нинг маълумотларига кўра ландшафт-

типологик комплекслари ичида эол қумликлари 521 кв.км. ёки водийнинг текислик қисмини 1,6 % ини эгаллаган бўлса, шўрхок чўллар 1254 кв.км. ёки 4,4 % майдонни ишғол этган.

Лекин бу ландшафт типлари кучли антропоген таъйикқа учраганлиги, табиати муҳофаза қилишда қуйидаги бир қатор экологик муаммолари мавжудлиги билан ажралиб туради. Жумладан, сизот сувлар сатҳи ва минерал таркибининг ўзгариб бориши, икқиламчи шўрланишларнинг пайдо бўлиши ва шўрланган ерлар кўламининг кенгайиб бориши, табиий ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг деярли ўзгаришга учраганлиги ва айрим турларни йўқолиб кетаётганлиги, барпо этилган саноат корхоналарининг номувофиқ жойлаштирилиши оқибатида уларнинг зарарли чиқиндилари томонидан атроф-муҳитнинг ифлосланиши кабилар кузатилмоқда.

Норин ва Қорадарё, Сирдарё, Шимолий Фарғона канали сувларидан оқилонга фойдаланиш ва муҳофаза қилиш мақсадларида 1397 гектар муҳофаза минтақаси учун ажратилган ернинг 250 гектарида дарахтзорлар барпо этилган. Бундай очиқ сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш тадбирлари Подшоотасой, Косонсой, Ғовасой ва Чодаксой минтақаларида ҳам амалга оширилмоқда. Бу борада, дарахтзор массивларни ташкил қилиш ва уларни муҳофаза қилишда ички, минтақавий туризм салоҳиятига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Вилоят ҳудудидаги очиқ сув ҳавзалари соҳилбўйи минтақалари билан таъминланмаганлиги оқибатида Шимолий Фарғона, Янгиариқ, Катта Наманган, Охунбобоев номли каналлар ва Намангансой, Чортоқсой, Косонсой, Чодаксой, Олмоссой каби сойларни оқова сувлар билан ифлосланиши олиб борилган тадқиқотлар давомида аниқланди. Айниқса, оқова сувлар таркибида учраётган кимёвий унсурлар ичимлик суви таркибидаги инсон саломатлиги учун зарарли бўлган кимёвий элементлар билан бирикиб, мураккаб бирикмалар ҳосил қилиши натижасида инсон саломатлигига катта таъсир кўрсатмоқда.

Наманган вилоятидаги ер ости сув конлари захирасининг ҳосил бўлишида дарёларнинг гидрологик режими катта рол ўйнайди. Сўнгги йилларда вилоятга

сув берувчи асосий дарё ва сойларнинг суви камаяётганини ҳисобга олинса вилоятдаги ер ости сув конларини захирадан ортиқ фойдаланилмаётган бўлса ҳам уларни оқилона сарфлаш ҳамда муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки дарёлар сувининг камайиб бориши ер ости сув ресурсларини ҳам камайишига сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда Наманган вилояти арид ҳудудларида амалга ошириладиган энг муҳим устивор вазифалар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўзлаштирилган ерлардан самарали фойдаланиш, табиий ва иқтисодий географик омилларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини ландшафт типларига мослаштириб жойлаштириш;
- суғориш тизимлари ва иншоотларини қайта реконструкция қилиш ишларини давом эттириш ҳамда такомиллаштириб бориш;
- вужудга келтирилган антропоген ландшафтларни рекультивациялаштириш, фойдаланиш учун яроқсиз бўлган географик мажмуаларни оптималлаштириш ва уларнинг геоэкологик мувозанатини тиклаш;
- вилоят арид ҳудудлари экосистемаларининг ривожланиши учун қулай шароит яратиш ва экологик жиҳатдан соғломлаштириш;
- вужудга келган ландшафт-экологик муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш кабилардир.